

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 45 (1644), 2026 йил 6 март, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илғор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари фармацевтика инсон саломатлиги, аҳоли ҳаёт сифати ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги билан беvosита боғлиқ стратегик соҳа эканини таъкидлади.

Сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилгани қайд этилди. Жумладан, ўтган тўққиз йилда тармоққа 1 миллиард 800 миллион доллар инвестиция киритилиб, 140 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 300 дан ортиқ фармацевтика корхонаси фаолият юритмоқда, уларнинг 58 таси тўғридан-тўғри дори воситалари ишлаб чиқаради.

Натижада фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 баробар ўсиб, 7 триллион 300 миллиард сўмдан ошди. Маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқариш эса 2 қарра кўйайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотлари 55 та давлат бозорига етказилмоқда. Тармоқдаги иш ўринларининг сони эса 40 мингдан ошди.

Умуман олганда, мамлакатимизда дори воситалари ва тиббий буюмлар бозори ҳажми қарийб 2,5 миллиард долларга етган.

Мутасаддилар олдида жорий йилда фармацевтика соҳасига камда 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, сифатни ошириш ва хорижий фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликда янги ишлаб

чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали ички истеъмолдаги маҳаллий дорилар улушини 2030 йилгача 70 фоизга етказиш ҳамда келгуси беш йилда экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга олиб чиқиш вазифалари қўйилди.

Республикада 136 гектар майдонда 5 та фармацевтика sanoat зонаси ташкил этилган бўлиб, улар учун зарур инфратузилма яратилган. Бироқ айрим ҳудудларда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани қайд этилди.

Жумладан, 25 гектар майдонни эгаллаган Жиззах фармацевтика зонасида ўтган йили бир сўмлик ҳам маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. Бўстонлик туманидаги 14 гектар ер майдони эса 2017 йилдан бери бўш турибди. Шунингдек, ўтган йили Жиззах ва Самарқанд вилоятларида бирорта ҳам фармацевтика лойиҳаси ишга туширилмагани, Бухоро ва Хоразмда эса инвестиция лойиҳалари жуда камлиги танқид қилинди.

Йиғилишда фармацевтика соҳаси тадбиркорлари томонидан билдирилган тақдирлар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, фармацевтика зоналари мавжуд бўлмаган ҳудудлардаги корхоналарга ҳам мазкур зоналар учун белгиланган солиқ имтиёзларини қўллаш масаласи кўтарилди.

Президентимиз мазкур тақлифни қўллаб-қувватлади ва фармацевтика корхоналари учун қатор янги имкониятларни эълон қилди.

Жумладан, жорий йил 1 апрелдан бошлаб фармацевтика воситаларини ишлаб чиқариш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича янги лойиҳалар уч йил муддатга ер солигидан озод этилади. Лойиҳа ишга тушганидан кейин уч йил давомида фойда ва мол-мулк солиғи ҳам ундирилмайди.

Шунингдек, биологик фаол қўшимчалар ва косметика воситалари ишлаб чиқарувчилар учун хомашё, ускуна ҳамда бутловчи қисмлар импорти божлардан озод қилинади. Фармацевтика корхоналарига ўзининг линиясида биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришга рухсат берилади.

Эндиликда ҳар йили 1 июлга қадар маҳаллийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати тадбиркорларга эълон қилиб берилади. Ушбу рўйхатдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар учун тадбиркорларга хорижий валютада 7 фоизли кредитлар ажратилади.

Мавжуд маҳсулотлар бўйича маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришни режалаштирган корхоналарга Саноат кооперацияси жамғармасидан 10 йилгача муддатга хорижий валютада 6 фоизли, миллий валютада эса 12 фоизли кредитлар тақдим этилади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон ҳудудига учувчисиз учини аппаратлари билан уюштирилган ҳужумлари кескин қоралаб, жароҳат олганларнинг тез фурсатда соғайиб кетишини тилади.

Сўнгги кунларда Яқин Шарқ минтақасида кузатилаётган кескинликнинг авж олиши кўплаб тинч аҳолининг қурбон

бўлишига олиб келаётгани ва жиддий ҳавотир уйғотаётгани алоҳида қайд этилди.

Муборак Рамазон ойида рўй бераётган бундай воқеалар умуминсоний қадриятларга, халқаро нормалар ва давлатларнинг худудий яхлитлиги тамойилларига зид экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси фуқароларимизни Эрондан Озарбайжон ҳудуди орқали хавф-

сиз эвакуация қилиш бўйича кўрилаётган чоралар ва яратилаётган шароитлар учун Илҳом Алиевга миннатдорлик билдирди.

Озарбайжон Президенти, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига дўстона суҳбат ва синовли дамларда кўрсатилган қўллаб-қувватлов учун алоҳида ташаккур изҳор этди.

ЎЗА

ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт инфратузилмасини модернизация қилишга қаратилган йирик лойиҳалар доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида янги замонавий автомагистрал куриш лойиҳаси кўриб чиқилди. Режага кўра, ушбу йўлнинг умумий узунлиги 282 километри ташкил этади. Шундан 140 километрик участкаларда тупроқни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади. Лойиҳа доирасида 12 та транспорт ечими, 91 та кўприк ва 16 та йўл ўтказиш қурилиши кўзда тутилган.

Беш йил давомида қурилиш режалаштирилаётган мазкур йўл I-а тоифали, яъни автомобиль йўлларининг энг юқори техник ва хавфсизлик стандартларига жавоб берадиган магистрал бўлади. Унда ҳар бири 3,75 метр кенликдаги цемент-бетон қопламали оптика ҳаракат тасмаси барпо этилади. Йўлнинг лойиҳадаги тезлиги соатига 150 километр этиб белгиланади.

Шунингдек, Тошкент — Ангрэн — Қамчиқ довоми йўналишида 171 километрик муқобил автомобиль йўли барпо этиш лойиҳаси ҳам амалга оширилади. Ушбу йўлда

33 километрик тоннеллар ҳамда бир қатор йирик муҳандислик иншоотларининг қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига мазкур йирик лойиҳалар учун ишлаб чиқилаётган молиялаштириш манбалари ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган музокаралар ҳақида ахборот берилди.

Автомагистралларни лойиҳалашда замонавий транспорт муҳандислиги ечимларидан фойдаланиш, интеллектуал бошқарув ва мониторинг тизимларини жорий этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Тақдимотда Тошкент — Чорвоқ ва Урганч — Хива йўлларини куриш лойиҳаларининг бориши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шунингдек, Тошкентнинг янги халқаро аэропорти куриш лойиҳасининг асосий параметрлари кўриб чиқилди. Биринчи бос-

қичда 208,4 минг квадрат метрик йўловчи терминали, узунлиги 4 километрдан бўлган иккита учини-қўшни йўлагини барпо этиш режалаштирилган. Шу билан бирга, йилга 20 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатиш, соатига 30 та қўшни ва учини таъминлайдиган инфратузилмани яратиш ҳамда 169 та ҳаво кемаси учун автотурароқ ташкил этиш кўзда тутилган.

Айни пайтда бўлажак аэропорт ҳудудида олиб борилаётган лойиҳа-қидирув ишлари ва келгуси босқичлар тўғрисида ахборот берилди.

Президентимиз томонидан мутасаддиларга лойиҳаларни техник ва иқтисодий жиҳатдан пухта тайёрлаш, қурилиш ишларини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда транспорт инфратузилмасининг узоқ муддат барқарор ишларини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

март — Халқаро хотин-қизлар куни



АЁЛ АЗИЗ, АЁЛ МУКАРРАМ


Мўъжизага менгалувчи зот — аёл, чиройи уч кунлик ҳилломонанд париваш — аёл, ақлу закосига етти иқлим донишмандлари ҳам таҳсин айтувчи зот — аёл. Оналик рутбаси билан энг улуг мартаба соҳибаси ҳам — аёл!

Аёл эъзоз топган юрда юксалиш, онага эҳтиром кўрсатилган оилада фаровонлик, пировардида эртаним эгалари — фарзандларимиз бахтли бўлади. Она дуоси билан юксалган хонадон — тинчлик ва бараканинг маскани, аёл салохияти билан тараққий этган жамият эса маърифатлидир.

Бугунги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасида устувор вазифага айланган. Бу йўналишдаги ислохотлар, қабул қилинаётган дастур ва ташаббуслар юзаси ва

қўл учиде эмас, улар ҳар бир оиланинг фаровонлиги, ҳар бир аёلнинг имконияти, ҳар бир фарзанднинг эртанги куни билан беvosита боғлиқ ҳаётини дастур ўлароқ шақлангани билан аҳамиятли.

▶ Давоми 3-бетда



МУЪТАБАРЛИК САОДАТИ

Меҳрли сиёсат

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЎЗ ДАВЛАТИ ҲИМОЯСИДА

Кўни кеча Президентимиз Яқин Шарқдаги қатор давлатлар раҳбарлари билан телефон орқали мулоқот қилиб, минтақада юзани келган беқарор вазият ҳаммада жиддий ташвиш уйғотаётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Яқин Шарқ мамлакатлари етакчилари билан суҳбатда Ўзбекистон ҳар қандай қарама-қаршилик ҳамда зиддиятни сиёсий-дипломатик ва тинч йўллар билан, музокаралар орқали ҳал қилишининг қатъий тарафдорлигини билдирди.

Сўз исботи билан, Президентимизнинг махсус топшириғига мувофиқ минглаб ўзбекистонликлар эвакуация қилинган ҳақидаги хабарларни кечадан буюн ижтимоий тармоқларда ўқиямиз.

Уларда айтилишича, Яқин Шарқда ҳарбий кескинлик кучайгани сабаб 28 февралдан бошлаб Дубай, Шаржа, Мадина, Доха, Жидда, Тель-Авив, Техрон ва Кувайт йўналишидаги авиарейслар тўхтатилган. Натижада минглаб ўзбекистонлик чет элда қолиб кетган.

Фақатгина Ўзбекистон Президентининг махсус топшириғи билан эвакуация ишлари бошланган, резидент авиакомпаниялар махсус рейслар амалга ошириб, қисқа вақт ичида 5 мингдан ортиқ фуқаро ватанга қайтарилди.

Жараёни мувофиқлаштириш учун “Узавиация” агентлигида 24/7 режимда ишлайдиган штаб ташкил этилди.

Эзётганимиз шу ерга етганда навбатдаги хабар тарқалди. Ташқи ишлар вазирлигининг хабар беришича, 5 март соат 10:00 ҳолатига Ўзбекистоннинг жами 9361 нафар фуқароси она юртимизга қайтарилди. Жумладан, Саудия Арабистонидан 8114, БААдан 1192, Эрондан 23, Баҳрайндан 25, Умондан 7 нафар юрtdошимиз Ўзбекистонга олиб келинган.

Ҳозир бу гапларни ёзишга осон. Аслида, ҳар бир фуқарони ватанимизга олиб келиш ортида қанчалар мураккаб, қалтис, таҳликали ва нозик жараёнлар борлигини бошидан ўтказганлар, шу эгзу иш бошида турганлар билади, холос.

Биз фақат бу ердан туриб, шу кунларда Яқин Шарқдан чиқиб кетиш 350 минг долларга етгани ҳақидаги хабарлар ҳақида айтишимиз мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, Яқин Шарқдан хавфсиз ҳудудга етиб олиш учун 10 соатлик йўлланма

самонимизга соғ-омон олиб келинган ҳар биримизда меҳр ва бирдамлик туйғуларини жўш урдирди.

Ўзбекистонликлар эвакуация қилинган ҳақидаги хабарларни кечадан буюн ижтимоий тармоқларда ўқиямиз.

Уларда айтилишича, Яқин Шарқда ҳарбий кескинлик кучайгани сабаб 28 февралдан бошлаб Дубай, Шаржа, Мадина, Доха, Жидда, Тель-Авив, Техрон ва Кувайт йўналишидаги авиарейслар тўхтатилган. Натижада минглаб ўзбекистонлик чет элда қолиб кетган.

Фақатгина Ўзбекистон Президентининг махсус топшириғи билан эвакуация ишлари бошланган, резидент авиакомпаниялар махсус рейслар амалга ошириб, қисқа вақт ичида 5 мингдан ортиқ фуқаро ватанга қайтарилди.

Жараёни мувофиқлаштириш учун “Узавиация” агентлигида 24/7 режимда ишлайдиган штаб ташкил этилди.

Эзётганимиз шу ерга етганда навбатдаги хабар тарқалди. Ташқи ишлар вазирлигининг хабар беришича, 5 март соат 10:00 ҳолатига Ўзбекистоннинг жами 9361 нафар фуқароси она юртимизга қайтарилди. Жумладан, Саудия Арабистонидан 8114, БААдан 1192, Эрондан 23, Баҳрайндан 25, Умондан 7 нафар юрtdошимиз Ўзбекистонга олиб келинган.

Ҳозир бу гапларни ёзишга осон. Аслида, ҳар бир фуқарони ватанимизга олиб келиш ортида қанчалар мураккаб, қалтис, таҳликали ва нозик жараёнлар борлигини бошидан ўтказганлар, шу эгзу иш бошида турганлар билади, холос.

Биз фақат бу ердан туриб, шу кунларда Яқин Шарқдан чиқиб кетиш 350 минг долларга етгани ҳақидаги хабарлар ҳақида айтишимиз мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, Яқин Шарқдан хавфсиз ҳудудга етиб олиш учун 10 соатлик йўлланма

машина сафари ва хусусий самолёт учун 350 минг доллар тўлашга тайёр мижозлар навбати пайдо бўлган.

Бизда эса мулқоқ бошқача манзара: Президентимизнинг меҳрли сиёсати тўғрисида 10 мингта яқин ўзбекистонлик ўз она юртига беғараз олиб келинди. Бу ҳам мамлакатимизда инсон қадрини улуғланаётгани, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси доимо давлат ҳимоясида эканини амалда намоён этади.

Шу ўринда ҳасратли бир хотира ёдга тушди. Бир замоналар беш бошқа давлат фуқароларига ҳавас қилар эдик. Улар ўз давлати муҳофазасида бўлганидан, ҳаммаша ўзини мағрур ва хавотирсиз тутишдан ўзинини улардан кам тутардик. Бугун кўплаб мамлакат фуқаролари Ўзбекистонликларга, Ўзбекистон Президентининг инсонпарвар сиёсатига, ўз фуқароларини ташлаб қўймаганига ҳавас қилмоқда. Хусусан, Яқин Шарқдан олиб келинган ўзбекистонликлар борасида ижтимоий тармоқлар орқали ижобий фикрлар билдираётган чет эллик инсонларнинг гап-сўзларини ўзининг ҳам кўриб турибсиз.

Улуг аёим кунларда амалга оширилаётган бундай эгзу чора-тадбирлар ҳар биримизни қайта ва қайта кенг мушоҳада қилишга чорлайди. Дунё янги-янги таҳлиқалар қуршолида қолмоқда. Турли мижозлар тўғрисида беғуноқ одамлар, аёллар ва болалар ҳалок бўляпти. Бундай ҳудудларда бир соатлик тинчлик, бир нафаслик осойишта уйқу, фарзандларнинг билан хотиржам ноушта қилиш бир зумда армонга айланиб қолмоқда.

Бу қайғули манзара бугун барчани жиддий ҳулосалар қилишга ундайди. Ҳулоса қандай бўлишини эса юрtdошларимиз яхши билади, албатта.

Улугбек АСРОПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда хорижий фармацевтика компанияларини мамлакатимизга жалб қилиш, улар билан технологиялар трансферини йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Импорт қилинаётган дори воситаларининг қарийб ярми 34 та хорижий ишлаб чиқарувчи ҳиссасига тўғри келади. Шу муносабат билан уларнинг ишлаб чиқаришини Ўзбекистонда ташкил этишни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди. Импорт билан шугулланувчи йирик корхоналарга ҳам ижтимоий масъулиятни кучайтириб, брендли дори воситаларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ташаббус кўрсатиш тавсия этилди.

Бу жараёни рағбатлантириш мақсадида корхоналар брендлардан фойдаланиш учун тўлайдиган роялтидан солиқ 20 фоиздан 5 фоизга туширилади.

Оригинал дори воситаси яратилганидан 20-25 йил ўтгач, бошқа фармацевтика корхоналари ҳам уни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай дори воситаларини ўзлаштириш ички бозорда нархларни бир неча баробар арзонлаштириш имконини беради.

Шу муносабат билан талаб юқори бўлган бундай препаратларни бир йил ичида ўзлаштирган корхоналарга технология трансферини харажатларининг ярми Фармацевтика жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

Шунингдек, энг кўп импорт қилинаётган 100 турдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида “Тошкент фарма парк” ҳудуди яна 100 гектарга кенгайтирилади.

Йиғилишда фармацевтика маҳсулотлари экспорти масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунда тармоқ экспорти 220 миллион долларга етган бўлса-да, унинг атиги 14 миллион доллари дори воситалари ҳиссасига тўғри келади.

Шу муносабат билан корхоналарни халқаро стандартларга мослаштириш муҳимлиги таъкидланди. Ҳозирда 58 та дори ишлаб чиқарувчи корхона миллий GMP сертификатига эга. Энди уларни Европа GMP стандартларига мослаштириш зарурлиги қайд этилди.

1 июндан бошлаб маҳаллий корхоналарнинг ЕвроGMP сертификатини олиш харажатларининг 50 фоизи Савдога кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

Йиғилишда давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокни кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилишича, маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоизга етмагани сабабли айрим корхоналар давлат корхоналари маҳсулот сотиш имкониятига эга эмас.

Шу муносабат билан 1 сентябргача маҳаллий маҳсулот сертификатига эга тадбиркорларга маҳаллийлаштириш даражасидан қатъи назар, давлат харидларида иштирок этишга рухсат берилиши белгиланди.

Қайд этилишича, ўтган йили мамлакатимизда 57 мингдан ортиқ номдаги рўйхатдан ўтмаган ва контрафакт дори воситалари аниқланди.

Шу боис, дориларнинг ноқонуний савдосига қарши курашни кучайтириш, сифати шубҳали маҳсулотлар айланмаси учун жавобгарликни кескин кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узиллишни бартараф этиш масаласи ҳам кўтарилди.

Бугунги кунда фармацевтика соҳасидаги 6 та илмий-тадқиқот институтига 300 дан ортиқ олим фаолият юритмоқда, олий таълим муассасалари эса ҳар йили қарийб 1 миң нафар мутахассис тайёрлайди. Бироқ илмий ишланмаларни санаотга жорий этиш етарли даражада йўлга қўйилмади.

Шу муносабат билан кимё-фармацевтика, вакцина ва зардоблар ҳамда шарқ табиоти институтлари негизда Миллий биофармацевтика илмий-тадқиқот институти ташкил этилади. У “Тошкент фарма парк” ҳудудида жойлаштирилиб, илмий тадқиқотларни беvosита ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш имконияти яратилади.

Парк ҳудудида клиникада тадқиқотлар лабораторияси, биологик ва кимёвий тадқиқотлар марказлари ҳамда 250 ўринли халқаро клиник тадқиқотлар маркази ташкил этилади.

Шунингдек, Тошкент фармацевтика институти ва Фармацевтика техника университети профессор-ўқитувчилари ўз илмий фаолиятини фарма парк ҳудудида олиб боради. Талабалар эса корхоналарда дуал таълим асосида ўқиб, ишлаш имкониятига эга бўлади.

Янги дори воситаларини ишлаб чиқаришга жалб қилинган олимлар иштирокчидаги лойиҳалар учун корхоналарнинг 100 миң долларгача харажатлари қоплаб берилди. Маҳаллий олимлар яратган янги препаратларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарга эса уларни рўйхатдан ўтказиш ва клиник синовлар учун 100 миллион сўмгача субсидия ажратилади.

Йиғилишда фармацевтика корхоналари вакилларининг тақлифлари ва ташаббуслари эшитилди, мутасаддиларнинг ҳисоботлари тинланди.

ЎЗА



ВАТАНГА МУҲАББАТ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ

Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Аёл — оила устун, жамият таянчи ва келажак авлод тарбиячиси. Унинг садоқати, меҳр-муҳаббати, фидойилиги, азму шижоати у воёга етказётган фарзандлар орқали жамиятга кўчади. Давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки эса тараққиётни жадаллаштиради. Шу боис, юртимизда аёллар касби ва иркидан қатъи назар, аввало, она сифатида қадрланган, эъзозланган.

Инсон қадрини улуғлаш ҳам хотин-қизларимизни улуғлашдан бошланади. Алишер Навоий бобомизнинг “Жаннат боғидан баҳрамандлик истар экансан, аввало, мунис онани рози айлагин”, деган сўзлари замирида чуқур маъно бор. Чунки ҳаётимизнинг маъно-маъмуни ва бутун борлигимизни улардан айро ҳолда тасаввур этолмаймиз.

Сўнги йилларда гўзаллик ва назокат, меҳр ва садоқат тимсоли бўлган хотин-

кўрсатмоқда. Бугунги ўзбек аёли нафақат оила бекаси, балки етук раҳбар сифатида ҳам ўзини намоен этаётир.

Бўлғуси оналар, келажак тарбиячилари бўлмиш қизларимизнинг олий таълим олиши, замонавий касб-хунар ва технологиялар, хорижий тилларни эгаллашига катта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки бир аёли ўқитиш бир оиланинг ўқимли бўлишига замин яратди. Шу маънода, уларни қўллаб-қувватлаш орқали



манфаатларига йўналтирилган комплекс сиёсат юритаётганини кўрсатади. Бу чоралар зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, уларга тезкор ҳуқуқий баҳо бериш ва жабрланувчиларни давлат ҳимояси билан қамраб олиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди.

Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони том маънода мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Фармон билан аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш орқали уларнинг сони кескин қисқартирилади, бундай ҳолатга учраган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилади. Бу эса уларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, сифатли таълим олиши, касб-хунар эгаллашига катта туртки беради.

Эрта никоҳни ёки воёга етмаганлар ўрта-сиддаги мажбурий муносабатларни яширган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилётгани,



қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, эҳтиёжман хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида тарихий ислохотлар кечмоқда.

Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид қўллаб-қўувватлаш ҳужжати қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Конституцияимизда ҳам хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқли экани, давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилди.

Юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёда энг юқори ўринларга кўтарилди. Ҳозир аёллар сони Қонунчилик палатасида депутатлар умумий сонининг 38 фоизи, Сенатда эса 27 фоизини ташкил этмоқда. Қонунчиликни мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган қонунларнинг адолатли ва таъсирчан бўлишида ҳам уларнинг ҳиссаси жуда катта бўлмоқда.

Хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари доирасидаги кенг қўлламоқда. Сўнги йилларда аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича ҳам мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база яратилди. Ҳимоя ордери, махсус ёрдам марказлари, профилактика ва реабилитация механизмлари давлатнинг инсон

“ ФАРМОНДА ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИ МАЖБУРИЙ РУҲИЙ ДИАГНОСТИКАДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАРТИБ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ҲАМ БЕЛГИЛАНГАН. БУ ЁНДАШУВ ЖИНОЯТНИ ФАҚАТ ЖАЗОЛАШ БИЛАН ЧЕКЛАМАЙ, УНИНГ ИЛДИЗЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА КЕЛГУСИДА ТАҚРОРЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАННИ БИЛАН ЭЪТИБОРГА МОЛИК. ПСИХОЛОГИК КОРРЕКЦИЯ ДАСТУРЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ҲАМ ЗЎРАВОНЛИККА МОЙИЛ ШАХСЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ ИШЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Сўнги йилларда аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича ҳам мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база яратилди. Ҳимоя ордери, махсус ёрдам марказлари, профилактика ва реабилитация механизмлари давлатнинг инсон

шубҳасиз, давлат органлари ва таълим муассасалари зиммасига юклатилган масъулиятни янада оширади. Бу орқали ушбу муаммони яшириш амалиётига чек қўйиш ва болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсад қилинган.

Ҳомилалар талаба-қизларга ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шугулланувчи талабаларга олий таълим олиш учун “иккинчи имконият” яратилмоқда. Яъни 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб курсдан курсга қолган ёхуд талабалар сафидан чиқаришга ҳақли бўлган, истисно тариқасида, фанлар фарқини қайта ўзлаштириш шарти билан таълимни давом эттириш имкони берилди. Энг муҳими, талабалар фанлар фарқини мустақил ўзлаштириш учун қўшимча муддат берилиб, бошқа зарур шарт-шароитлар ташкил этилади.

Муболагасиз айтиш мумкинки, ушбу янгиликлар минглаб хотин-қизларимизнинг айни дилидаги гап бўлди, уларни фаолликка чорлагани, харақатга келтиргани рост. Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқаро қалбига ёруклик, эртанги кунга собит ишонч олиб кирди. Ўзбекистонда хотин-қизларга берилётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси ҳам шу эмасми аслида?!

Ҳимоя ордери берилган жабрланувчи хотин-қизларнинг алоқа воситаларига Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг таъйиқ ва зўравонлик ҳолатлари тўғрисида зудлик билан хабар қилиш имконини берувчи (“SOS” чакирру) “my.ilmu.uz” мобил иловаси ўрнатилгани айни муддао бўлди. Натижада зўравонлик оқибатларини бартараф этиш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган профилактик тизим қучади.

Фармонда зўравонлик содир этган шахсларни мажбурий руҳий диагностикадан ўтказиш бўйича тартиб ишлаб чиқилиши ҳам белгиланган. Бу ёндашув жиноятни фақат жазолаш билан чекламай, унинг илдизларини аниқлаш ва келгусида тақрорланишининг олдини олишга қаратилган билан эътиборга молик. Психологик коррекция дастурлари жорий этилиши ҳам зўравонликка мойил шахслар билан тизимли ишлаш имконини беради.

Мамлакатимизда оқила, гўзал аёлларимиз доим эъзозда, ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти. Бир пайтлар аёлларга имтиёзли ўй беришга имкон ҳам, қонуний оғза ва маблағлар ҳам бўлмаган, бугун эса минглаб муҳтож аёлларга янги турар жойлар топширилмоқда.

Бундай янги ишлар орқали қанча хонадонларга қувонч ва шодлик кирмоқда, қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгармоқда. Минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди. Ҳозир хотин-қизларимиз нафақат ўқитувчи, шифокор, тадбиркор ёки фермер, балки раҳбарлик лавозимларида ҳам фаолият юритмоқда. Ўзингиз айтинг, дунёнинг қайси давлатида аёлларга бу каби имтиёз ва эътибор қаратилмоқда? Фикримча, бундай давлатлар жуда оз.

Аёл — нафис хилқат. Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруқ келажакимиз ҳам, аввало, оила ва жамият устун, ҳаётимизнинг фойизи ва ўрқини бўлган аёлларга боғлиқ. Ў бахтли бўлса, табиийки, оилада ҳам, жамиятда ҳам соғлом руҳият устувор, аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлади.

Дил изҳори

Давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ, 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан илм-фанни ривожлантириш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва илмий салоҳиятини юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришган бир гуруҳ хотин-қизлар юксак ордени ва медаллар билан мукофотланди. Шулар қаторида мен ҳам “Шухрат” медали билан тақдирландим. Бу юксак мукофот нафақат бир инсоннинг меҳнати ва фидойилигига берилган муносиб баҳо, балки юртимизда аёлларнинг илм-фан ва жамият тараққиётидаги ўрни юқори қадрланганлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.



Наибохон МАМАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори маслаҳатчиси

Аёл зоти азалдан жамиятнинг маънавий устун, тарбия ва маърифат манбаидир. Бугун эса улар нафақат оилада, балки илмий лабораториялар, университет аудиториялари,

инновацион марказларда ҳам катта натижаларга эришмоқда. Олимларнинг изланишлари янги илмий йўналишларнинг шаклланиши, мамлакат иқтисодиёти ва

технологияларнинг ривожланишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз раҳбарлигидаги кенг қўлламоқда. Президентимиз раҳбарлигидаги кенг қўлламоқда. Президентимиз раҳбарлигидаги кенг қўлламоқда. Президентимиз раҳбарлигидаги кенг қўлламоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигидаги фаолиятим ҳам ана шу ислохотлар самарасидир. Бу зиммамга янада кўп масъулият юклайди. Бугун мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш, илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва айниқса, хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Кенг қамровли ислохотлар натижасида аёлларнинг таълим олиши, илмий тадқиқотлар билан шугулланиши, раҳбарлик ва жамоачилик фаолиятида фаол иштирок этиши учун кенг имконият яратилмоқда.



Агентлигимиз тизимида фаолият юритаётган хотин-қизлар ҳам ана шу ислохотларнинг амалий самарасини намоен этмоқда. Айниқса, илм-фан билан шугулланаётган

тадқиқотчи аёл-қизлар сони йил сайин ортиб бораёттир. Улар метрология, стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, сифат менежменти каби муҳим соҳаларда

тадқиқотлар қилиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ва sanoati таркибига муносиб ўрин эгаллаяпти.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизими иқтисодиётнинг барча тармоқларида сифат, ҳавфсизлик ва ишончликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар янги стандартлар ишлаб чиқиш, замонавий ўлчаш технологияларини жорий этиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш каби вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади. Агентлик тизимида фаолият юритаётган оlima аёллар айнан шу муҳим йўналишларда изланишлар олиб бориб, миллий метрология ва стандартлаштириш тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда аёлларнинг илм-фандаги иштироки мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидан. Зеро, интеллектуал салоҳият, билим ва изланишга интилиш жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Агентлик тизимида фаолият юритаётган фидойи оlima аёллар ҳам ўз меҳнати, изланишлари ва ташаббуслари билан мамлакатимиз илмий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги Ўзбекистонда илм-фан, инновация ва тараққиёт йўлида аёлларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ёрқин далилидир.



АЁЛ АЗИЗ, АЁЛ МУЖАРРАМ



Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Янги имкониятлар

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кўп миллатли халқимизнинг оқилона таклиф-тажрибаси, одил муҳокамаси асосида тақомиллаштирилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва даромад топиш имкониятларини кенгайтириш давлат сиёсатидаги устувор йўналиш сифатида янада аниқ кўрсаткичлар билан мустаҳкамланди.

Президентимизнинг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида оилани мустаҳкамлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги 25-мақсад авал хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, ҳозир оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган мақсад сифатида ўзгартирилган ҳам оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни янада юксалганининг белгиси.

томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни кескин қамайтириш каби аёллар манфаати кўзланган мақсадлар ҳам ўрин олган.

Ҳа, марралар балиқ олиниб, яқин беш йилликда улкан мақсадлар қўйилмоқда. Бундан англашладикки, бугун ҳар бир аёлнинг фаровонлиги оиланинг ички масаласи эмас, бутун мамлакат тараққиётининг мезони, ҳам драйверидир. Янгилашган стратегиянинг энг катта қиймати ҳам шунда.

Билимли жамият таянчи

Маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди. Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк мақсадни кўзлар экан, шубҳасиз, бунда маърифатли жамият ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар бир оилада олий маълумотга эга мутахассислар бўлишини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар орасидан камида 1 нафари олий маълумотли бўлиши учун шартно яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақсадда хотин-қизларнинг олий ва ундан кейинги таълимини давом эттиришни қўллаб-қувватловчи янги ташаббуслар амалга оширишга эътибор берилди. Давлат органларида гендер аудити ўтказиш услубияти янгилашиб, айрим вазирликларда амалда татбиқ этилди.

Раҳбар кадрлар тайёрлашда ҳам силжиш бор: миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар сони 1267 нафарга етди (27 фоиз), “Раҳбар аёллар мактаби” да ўқиганлардан 60 нафари юқори лавозимларга тайинланди. Таълимда хотин-қизлар улуши барқарор ўсумоқда: олий таълим бакалавриатида талабаларнинг 54 фоизини, магистратурада тахсил олувчиларнинг 67 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Гендер асосида режалаштириш ва бюджетлаштириш амалиётини тақомиллаштириш мақсадида гендер индикаторлари ишлаб чиқилиб, бюджет дастурлари лойиҳаларида қўллаш учун барча вазирлик ва идораларга етказилди.

2025 йил давомида бюджет ташкилотларида ишловчи 1,3 миллион хотин-қизнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун 64,8 триллион сўм, 162 минг яқин бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик нафақаси учун 1,5 триллион сўм йўналтирилди.

Шунингдек, хусусий секторда ишловчи аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 12,3 минг хотин-қизга бюджетдан 32,8 миллиард сўм, ийиш ҳамда иш қидирётган хотин-қизларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида эса Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармаси ҳисобидан 259,6 минг хотин-қиз учун 245,4 миллиард сўм ажратилди.

Уз навбатида, ипотека кредитлари бўйича тўлаб бериладиган бошланғич бадал тўловлари учун 8,6 минг хотин-қизга 256,7 миллиард сўм субсидия, бола туғилганда бир марталик тўлов учун (сунот пули) 242,3 минг аёлга 205,3 миллиард сўм ҳамда кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун уларнинг 671,2 минг нафарига 4,2 триллион сўм давлат бюджетидан тўлаб берилди.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таълим олаётган 17,8 минг хотин-қизнинг тўлов контрактини тўлаб бериш учун 122,9 миллиард сўм, тижорат банклари томонидан эса 67,3 минг хотин-қизга таълим кредитлари учун 1,1 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишида хотин-қизларнинг 12,4 миллиард сўмлик 21 та стартапи қўллаб-қувватланди, грантлар орқали 3,1 миллиард сўмлик 23 та ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. “Gender-madad” платформаси орқали 2,1 мингдан ортиқ ҳуқуқий маслаҳат берилгани, “Gender.stat.uz” тизимида 217 дан зиёд кўрсаткич жойлаштирилгани ҳам очтиқлик ва ҳисобдорликни кучайтирди.

Иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишида хотин-қизларнинг 12,4 миллиард сўмлик 21 та стартапи қўллаб-қувватланди, грантлар орқали 3,1 миллиард сўмлик 23 та ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. “Gender-madad” платформаси орқали 2,1 мингдан ортиқ ҳуқуқий маслаҳат берилгани, “Gender.stat.uz” тизимида 217 дан зиёд кўрсаткич жойлаштирилгани ҳам очтиқлик ва ҳисобдорликни кучайтирди.

Тенг ҳуқуқ, тенг юксалиш

Сўз хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тенг имкониятлар муҳитини яратиш ҳусусида борар экан, бу масаладаги яна бир асосий дастурий ҳужжат — 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегиясига тўхталиб ўтиш лозим. Зеро, ушбу стратегия 2025 йилда ҳам аниқ натижалари билан намоён бўлди.



Жумладан, тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, бюджет режалаштиришда гендер ёндашуви жорий этиш бўйича индикаторлар ишлаб чиқилди. Давлат органларида гендер аудити ўтказиш услубияти янгилашиб, айрим вазирликларда амалда татбиқ этилди.

Раҳбар кадрлар тайёрлашда ҳам силжиш бор: миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар сони 1267 нафарга етди (27 фоиз), “Раҳбар аёллар мактаби” да ўқиганлардан 60 нафари юқори лавозимларга тайинланди. Таълимда хотин-қизлар улуши барқарор ўсумоқда: олий таълим бакалавриатида талабаларнинг 54 фоизини, магистратурада тахсил олувчиларнинг 67 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Гендер асосида режалаштириш ва бюджетлаштириш амалиётини тақомиллаштириш мақсадида гендер индикаторлари ишлаб чиқилиб, бюджет дастурлари лойиҳаларида қўллаш учун барча вазирлик ва идораларга етказилди.

2025 йил давомида бюджет ташкилотларида ишловчи 1,3 миллион хотин-қизнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун 64,8 триллион сўм, 162 минг яқин бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик нафақаси учун 1,5 триллион сўм йўналтирилди.

Шунингдек, хусусий секторда ишловчи аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 12,3 минг хотин-қизга бюджетдан 32,8 миллиард сўм, ийиш ҳамда иш қидирётган хотин-қизларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида эса Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармаси ҳисобидан 259,6 минг хотин-қиз учун 245,4 миллиард сўм ажратилди.

Уз навбатида, ипотека кредитлари бўйича тўлаб бериладиган бошланғич бадал тўловлари учун 8,6 минг хотин-қизга 256,7 миллиард сўм субсидия, бола туғилганда бир марталик тўлов учун (сунот пули) 242,3 минг аёлга 205,3 миллиард сўм ҳамда кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун уларнинг 671,2 минг нафарига 4,2 триллион сўм давлат бюджетидан тўлаб берилди.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таълим олаётган 17,8 минг хотин-қизнинг тўлов контрактини тўлаб бериш учун 122,9 миллиард сўм, тижорат банклари томонидан эса 67,3 минг хотин-қизга таълим кредитлари учун 1,1 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишида хотин-қизларнинг 12,4 миллиард сўмлик 21 та стартапи қўллаб-қувватланди, грантлар орқали 3,1 миллиард сўмлик 23 та ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. “Gender-madad” платформаси орқали 2,1 мингдан ортиқ ҳуқуқий маслаҳат берилгани, “Gender.stat.uz” тизимида 217 дан зиёд кўрсаткич жойлаштирилгани ҳам очтиқлик ва ҳисобдорликни кучайтирди.

Халқаро эътироф

Янги Ўзбекистонимиздаги бу каби кенг қўламли ислохотлар бугун халқаро майдонда ҳам аниқ натижалари билан эътироф этилмоқда. Айниқса, бу халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларимиз барқарор яшиқланиб бораётганида яққол кўринмоқда. Ўзбекистон ОчИқ гендер маълумотлари (Open Data) индексида энг яхши 20 та

мамлакат қаторига кирди, парламент қўйи палатасида аёллар фаолиги бўйича дунёда 15-ўрни эгаллади.

Ислохотларнинг халқаро майдондаги эътирофини англаш учун муҳим янгиликка алоҳида тўхталиш зарур. Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси мамлакатимиз учун устувор рейтинг ва индекс қаторига киритилган. Яқинда ушбу индекснинг янгилашган методологияси асосида тайёрланган ҳисоботи натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон ўз позициясини 43 пононага яхшилаб, 100 дан 82,1 балл билан 190 та давлат орасида 48-ўрни эгаллади.

Эътиборли жиҳати шундаки, индекснинг янгилашган методологияси фақат қонун нормаларини таҳлил қилиш билан чекланиб қолмай, уларнинг ижросини таъминловчи механизмларни ҳам қамраб олди. Янги экспертлар томонидан қонунларнинг ҳаётдаги амалий ифодаси, айниқса, хотин-қизлар ҳаётига таъсири ва қўрилайётган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳам баҳоланди. Натижада мамлакатимизнинг гендер тенгликка оид қонунчилиги 82,1 баллга баҳоланди. Бу глобал ўртача кўрсаткичдан қарийб 15 балл, Европа ва Марказий Осиё минтақаси ўртача кўрсаткичдан эса 1,5 балл юқори.

Ҳисоботда мамлакатимиздаги қатор тизимли ислохотлар ижобий баҳоланди. Жумладан, давлат харидлари тизимида гендерга йўналтирилган қонунлар жорий этилгани, қонунчиликка аёллар тадбиркорлигини рағбатлантирувчи нормалар киритилгани, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат соҳасидаги айрим чекловлар қайта кўриб чиқилгани алоҳида қайд этилди. Айниқса, Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида давлат харидларида гендер омилни ҳисобга олувчи қонунчиликка эга бўлган саноқли давлатлардан бири экани таъкидланиши мамлакатимизнинг институционал тажрибаси юқорилиги ҳамда

индикаторлари бўйича мамлакатимиз максимал 100 балл тўплади. Бундай натижа, аввало, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш йўналишидаги ислохотларнинг мақсадли ва тизимли эканининг ёрқин ифодасидир. Гап шундаки, Ўзбекистон хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқий муҳит яратиш борасида Япония, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Бразилия, Грузия, Сингапур ва Ҳиндистон каби давлатларни орта қолдиргани ҳам қайд этилди. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортгани, ислохотларимиз натижасида глобал баҳолаш тизимларида ҳам муносиб амал этётганининг амалий исботидир.

“Аёллар, бизнес ва қонун” индексида бундай юқори натижага эътибор эришилгани йўқ, албатта. Бунга хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар қамрови кенгайиб, самарадорлиги ортиб бораётгани асос бўлмоқда. Масалан, 2025 йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 427 минг хотин-қизга жами 23 триллион 360 миллиард сўм, “Оилавий тадбиркорлик”, “Бизнесга биринчи қадам”, “Маҳалла лойиҳаси” дастурлари доирасида эса 352 минг аёлга 8 триллион 611 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. 1192 маҳаллада Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ташкил этилди.

Хорижга кетган ва фарзандларини назоратсиз қолдирган хотин-қизларни аниқлаш ҳамда уларни ватанга қайтариш бўйича Чирчиқ шаҳрида яратилган тажриба оммалаштирилиб, онлайн мулоқот орқали миграциядаги 270 мингдан ортиқ хотин-қизнинг оилалари манзилли ўрганилди. Онлайн мулоқотлар орқали хорижда кам даромад билан қийналиб юрган 230 мингдан ортиқ аёл ватанга қайтарилиши ва реинтеграция дастурлари амалга оширилди. Миграциядаги фуқароларнинг вояга етмаган фарзандларига белгиланган

беш мингта яқин хотин-қиз қатнашди. Улар иштирокида “Етақчи аёллар” клуби ташкил этилди.

Халқаро эътироф ва эришилган натижалар юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги маққеини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотлар амалда самара бераётганини яққол тасдиқлайди. Зотан, яратилаётган имкониятлар ҳар бир аёлнинг ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий фаолиги ва эртанги кунга мустаҳкам ишончиди ўз аксини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, кўз ўнгимизда юз бераётган бу каби воқеалар, халқаро даражадаги ютуқлар “Инсон қадрини унун” тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилаётганидан фахрланиш ҳиссини туймас, айтиш шундайки янада масъулият билан тадбир бошланишига туртки беради.

Эъзоз ва эътибор

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабидо, ерлардо баҳор,
Қушларнинг парвози, еларнинг ноҳи,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Аёл ва баҳор, янгилашни ва нафосат гўё бир-бирига эгиз тугунчалар. Орзиқиб кутганимиз — кўзламининг илк кунини улуг шоира, атоқли жамоат аربоби, садоқат тисмоси Зулфияхоним таваллуҳининг 111 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. “Дийдор насиб яна сиз билан!” номи остида анжуманлар ўтказилди, улуг шоира хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

Мазкур маърифий-маданий тадбирлар, хотира кечалари, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари иштирокида мушоралар “Аёл бахтли бўлса, жамият бахтлидир!” шiori остида 15 февралдан 15 мартга қадар давом этаётган “Аёлларни эъзозлаш” ойлиги доирасида ўтказилмоқда. Ойлик доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидойи ва ибратли аёллар кехватини эътироф этишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар ташкил этилмоқда. Маҳаллаларда хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, муаммоларини барвақт аниқлаш ва ҳал этиш, ҳуқуқий, тиббий ва ижтимоий кўмак қўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Эрта англа — ҳаётини сақла” шiori остида аёллар саломатлигини асраш, хавфли касалликларни барвақт аниқлашга қаратилган скрининг текширувлари эса эъзознинг энг амалий кўриниши сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, 2025 йилда онкологик касалликларни эрта аниқлашни ташкил этиш борасида қарийб тўрт миллион аёл онкокрининг текширувидан ўтказилди, 3300 нафардан ортиқ мутахассис текширувиге юборилди. Натижада икки ярим мингдан зиёдада касаллик эрта босқичда аниқланди. 3245 нафари соғломлаштиришга жалб этилди.

Кўмитамиз томонидан оилани жамиятнинг стратегик ижтимоий институти сифатида мустаҳкамлаш мақсадида давлат сиёсати истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб бериши ўз ичига олган “Оила фаровонлиги — 2030” миллий дастури ишлаб чиқилди.

Асрлар давомида аёл зотига эҳтиром қўриш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, эл-юрт ҳурматида сазовор аёлларни кадрлаш эгзу аънанамизга айланган. Ана шу қадриятнинг ёрқин ифодаси сифатида 8 март — нафосат айёми афрасида 28 қизимиз Зулфия номидаги давлат мукофоти, 72 аёлимиз турли давлат мукофотлари, 351 нафари “Мўғтабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Муҳтасар айтганда, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб олинган мақсадлар хотин-қизларимиз истиқболларини янада нурилли, оилаларни барқарор ва жамиятнинг фаровон қилишга қаратилган эгзу сиёсатнинг ҳаётини инъикос қилди. Зеро, аёл қадр топан юртда эртанги кунга ишонч ҳам, ютуқлар ҳам бардавом бўлади.



Янги мақсадлар қаторига долзарб масала: оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқув курсларига ёшларни жалб этишни жорий йилда 50 фоиз ошириш ва 2030 йилга қадар 80 фоизини қамраб олиш, оила ва хотин-қизлар масканларида кўрсатилган хизматларни 40 фоиздан 60 фоизга кўтариш, шунингдек, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, рақамли саводхонликни кучайтириш, манзилли қўллаб-қувватлаш орқали хотин-қизларни эҳтиёжманликдан чиқариш каби 11 та мақсадли кўрсаткич белгиланди.

Лидер тадбиркор аёллар орқали эҳтиёжман хотин-қизларни даромад топишга ўргатиш қўмитаси 100 минг нафарга етказиш ташаббуси, шу билан бира, маҳаллаларда хотин-қизлар бандлиги ва саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишида 3940 та марказ ташкил этилиши режалаштирилгани ҳам стратегиянинг инсон капиталини комплекс қўллаб-қувватлашга қаратилганини кўрсатади. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишга жалб этиладиган хотин-қизлар сони ҳар йили 100 минг нафарга, жами 500 минг нафарга етказилиши белгиланди.

Бундан ташқари, сиёсий партияларда хотин-қизларнинг улушини 50 фоизга, судьялар орасида 30 фоизга ошириш, аёллар

ўқитилди. Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ўтказиб келинаётган “Олима аёллар” танловидо 1612 та лойиҳа талабномалари ўрнатилган тартибда экспертиза босқичларидан ўтказилиб, қиймати 127,3 миллиард сўм миқдоридоги 156 та лойиҳа молиялаштирилди.

Хотин-қизлар таълимига қаратилган алоҳида эътибор, тақдим этилаётган қўлайликлар ҳисобига илм-фан соҳасида ҳам аёлларимизнинг нуфузи ошиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда илмий тадқиқот қилаётганларнинг 42 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, фан докторларининг 26,5 фоизи, фалсафа доктори, фан номзодларининг 40,1 фоизи аёллардир.

Тенг ҳуқуқ, тенг юксалиш

Сўз хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тенг имкониятлар муҳитини яратиш ҳусусида борар экан, бу масаладаги яна бир асосий дастурий ҳужжат — 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегиясига тўхталиб ўтиш лозим. Зеро, ушбу стратегия 2025 йилда ҳам аниқ натижалари билан намоён бўлди.

Янги Ўзбекистонимиздаги бу каби кенг қўламли ислохотлар бугун халқаро майдонда ҳам аниқ натижалари билан эътироф этилмоқда. Айниқса, бу халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларимиз барқарор яшиқланиб бораётганида яққол кўринмоқда. Ўзбекистон ОчИқ гендер маълумотлари (Open Data) индексида энг яхши 20 та



халқаро стандартларга мос сиёсий иродасининг эътирофидир.

Шунингдек, мазкур ҳисоботда Ўзбекистон сўнгги йилларда тадбиркорлик соҳасида гендер тенгликни таъминловчи янги ислохотларни амалга оширган давлат сифатида ҳам эътироф этилди. Натижада индекснинг қонунчилик таҳлилидаги қатор

васий ҳамда хомийлар билан суҳбатлар ўтказилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган бир миллиондан зиёд хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди. “Аёллар дафтари”нинг беш йиллик сарҳисобига бағишлаб “Иқтисодий мустақилликдан ижтимоий мустақиллик сари” мавзусида ўтказилган миллий анжуманларда



Камолот калити

ТАЪЛИМНИНГ ЭНГ МУҲИМ БЎГИНИ

Билим, касб ва малака бирлиги

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Меҳнат бозори янги технологиялар ва сунъий интеллект таъсирида тез ўзгариб бормоқда. Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилинади. Шу боис, келажакдаги меҳнат бозори учун касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирган инновацион тизимни яратиш жуда муҳим.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида касбларни ривожлантириш ҳамда янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, дунё меҳнат

2021-2025 йилларда техникум Швейцария ҳукумати томонидан молиялаштирилган “Ўзбекистонда профессионал таълим тизимидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида Helvetas Swiss Intercooperation ташкилоти ҳамда



бозорида рақобатбардош кадрлар етиштириш масаласи қанчалар муҳимлигини кўрсатди. Касбий таълим соҳасида халқаро стандартларни жорий этишга қаратилган ишлар 2025 йилда аниқ натижалар берди. Жумладан, халқаро таълим дастурлари асосида 47 та техникумга 27 йўналиш бўйича 4149 ўқувчининг қабул қилиниши касбий таълимни глобал меҳнат бозори талабларига мослаштиришда муҳим қадам бўлди. Бу кўрсаткич касбий таълим тизимида илгари мавжуд бўлган маҳаллий йўналтирилган моделдан халқаро компетенцияларга асосланган тайёрликка ўтиш бошланганини аниқлатади. Таълим мазмунининг стандартлашуви, баҳолаш тизимининг халқаро меzonларга яқинлашуви ҳамда иш бевуви билан ҳамкорликда шаклланиган ўқув режалари мазкур йўналишнинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Лойиҳа доирасидаги ишлар техникумда халқаро стандартларга мос, сифатли ва амалиётга йўналтирилган касбий таълим тизimini шакллантириш, шунингдек, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. — Ўзбекистондаги Гёте институти билан ҳамкорлик меморандуми асосида немис тилини ўқитиш, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда талабалар учун Германияда амалиёт ўташ имконияти яратилмоқда, — дейди Тошкент туризм ва меҳмонхона менежменти техникуми директори Наргизахон Бакирова. — Техникумда немис тили бўйича меҳмонхона хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш йўналишида икки йиллик фан дастурларига модулар жорий қилинди. Техникумнинг 6 ўқувчиси касбий кўникмаларини халқаро таълим асосида ривожлантириш, меҳмонхона ва сервис соҳасида Европа стандартлари билан яқиндан танишиш мақсадида Германияда амалиёт дастуриди иштирок этиб келди.

Ушбу натижа техникумда кенг тарғиб қилиниб, 2026 йили 170 га яқин ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. 2026 йил якунида ушбу лойиҳа асосида 15 ўқувчини Германияда амалиётга юбориш режалаштирилган.

Туркиянинг Анталия шаҳрида жойлашган Анталия туризм академияси билан ҳамкорлик



меморандуми доирасида “2+1” модели асосида кўша таълим ҳамда икки томонлама диплом дастурларини жорий этиш кўзда тутиляпти. Ўқувчиларга халқаро стандартлар асосида тахсил олиш, икки давлат дипломига эга бўлиш имконияти яратилади. Таълим жараёнига Анталия туризм академияси мутахассислари жалб этилади ҳамда талабалар академия базасида амалий машғулотлар ўташ имкониятига эга бўлади.

— Икки йил Тошкент туризм ва меҳмонхона менежменти техникуми ҳамда масофавий шаклда Анталия туризм академиясида таълим олиш, ҳар йили 5 ой Анталия шаҳридаги меҳмонхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ кўзда тутилган, — дейди Наргизахон Бакирова. — Шунингдек, ўқувчилар Германия ва Туркияда амалиёт ўташи, касбий кўникмаларини ошириши ҳамда халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар сифатида тайёрланиши режалаштирилмоқда. Битирувчилар учун эса Швейцария университетларида таълимни давом эттириш имконияти яратилади. Мазкур кўша таълим дастурлари асосида 2026/2027 ўқув йилидан қабул бошланиши белгиланган.



Иш бевуви корхоналар билан ҳамкорликни кучайтириш, дуал таълим тизimini жорий этиш ҳамда меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида 70 дан ортиқ иш бевуви йирик корхона билан ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлар имзоланди.

Жумладан, техникум ва AB GROUP ресторанилар ҳолдинги ўртасида ҳамкорлик меморандуми ҳамда 2025-2027 йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. AB GROUP таркибига кирувчи “Sirovanya Super Food”, “Shef Burger Exclusive Food” ва “Pro Xinkali Super Food” корхоналари билан дуал таълим асосида ҳамкорлик шартномалари тузилди. Айни пайтда ўқувчиларни ишлаб чиқариш жараёнига яқинлаштириш, амалиёт ўташини ташминлаш

ҳамда касбий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ресторани ва умумий овқатланиш корхоналарида экскурсиялар ташкил этиляпти. Бу уларага хизмат кўрсатиш соҳасидаги замонавий стандартлар, ишлаб чиқариш жараёни ва инновациялар билан бевосита танишиш имкониятини бermoқда.

Яна бир йирик корхоналар тармоғи — “Bellissimo Pizza International” МТМЖ билан ҳамкорлик меморандуми дуал таълим тизimini жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган. Унга кўра, ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиёти ва стажировкаларга йўналтириш, иш жойида ўқитиш (дуал таълим) асосида касбий кўникмаларини шакллантириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ механизмлар белгиланган. Шунингдек, “Bellissimo Pizza International” мутахассисларини таълим жараёнига жалб этиш, ўқув дастурларини амалиётга мослаштириш ҳамда техникум педагог ҳодимларининг малакасини ошириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Тошкент туризм ва меҳмонхона менежменти техникуми ҳамда “SENECA” компанияси ўртасида касбий таълим соҳасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга мувофиқ, техникум ўқувчилари “SENECA” компанияси бошқарувидаги бир қанча меҳмонхона ва курорт объектларида ишлаб чиқариш амалиёти, дуал таълим, стажировка ҳамда реал иш таърибасини олиш имкониятига эга бўлади.

— Касбий таълимнинг амалиётга йўналтирилган моделига мутахассислар тайёрланаётган таълим муассасаси тасарруфида ўқув-амалий мақсадларга хизмат қилувчи ўқув меҳмонхонаси бўлиши, шунингдек, туризм йўналишида кадрлар тайёрланаётган техникум таркибида туристларни қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқаруш жараёнларини амалда ўргатишга мўлжалланган ўқув туристик ташкилоти фаолият юритиши керак.

Чилонзор туманидаги 1-техникумда 1042 ўқувчи касб-хунар ўрганмоқда. Маҳаллий ва халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган бўлгус кадрлар ўқиш билан бирга чет тилларни пухта ўзлаштириб, рақамли

технологиялардан фойдаланиш ва бошқа инновацион кўникмаларга эга бўлиб бормоқда. Замонавий лабораториялар, амалий машғулотлар учун устоналар, кутубхона, спорт иншоотлари ва фаол ўқувчилардан ташкил топган клублар улар ихтиёрида.

— Халқаро таълим дастурлари асосида бир неча йўналишда кадрлар тайёрланмоқда, — дейди техникум директори Феруз Отахонов. — Компьютер графикаси ва дизайн оператори йўналиши замонавий ахборот технологиялари, график дизайн ва визуал коммуникацияни бирлаштиради. Электрон ускуналарни солаш, текшириш ва оптимал ишлашга келтириш усталарига эҳтиёж катта. Электрон техника асбобларини соловчи йўналишида шу касб эгалари тайёрланмоқда. Бу йилдан эътиборан янги йўналиш сифатида ошапзлик ҳам қўшилди. Унда ўқувчилар таом тайёрлаш ва ошхонани бошқариш, рецепт ишлаб чиқиш ва ингредиент танлаш сирларидан хабардор бўлади. Республика миқёсидаги ҳуқуқли 10 дан ортиқ иш бевуви билан ҳамкорлик шартномалари имзоланганмиз. Охириги 3 йилда техникумдаги шароитлардан келиб чиққан ҳолда ижарачи тадбиркорлар билан тузилган битимлар ёрдамида бюджетдан ташқари 500 миллион сўмдан ортиқ маблаг ишлаб топилиди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон таълим тизимидаги энг муҳим тенденциялардан бири халқаро очикликнинг институционал тўлиқлиши бўлди. Таълим энди фақат ички эҳтиёжларни қондириш воситаси эмас, балки мамлакатнинг ташқи интеллектуал имижни, иқтисодий рақобатбардошлигини шакллантирувчи стратегик ресурс сифатида намоён бўла бошлади. Бу жараён, аввало, халқаро таълим дастурларини жорий этиш ва касбий таълимни ривожлантириш орқали глобал меҳнат бозорида харидор-гир кадрлар тайёрлаш орқали амалий мазмун касб этди. Шу маънода, техникумда Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси, Хитой каби давлатларнинг таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган глобал меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислар етиштиришга замин ҳозирламоқда.

Буюк Британиянинг “Pearson Education” компанияси билан ҳамкорлик асосида техникумда 30 нафар компьютер графикаси ва дизайн оператори, 30 нафар ошапз, 27 нафар электротехника асбоблари соловчи, 30 нафар электромонтер тахсил олмақда.

Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан табиий ускуна (медтехника)ларни солаш ва уларага хизмат кўрсатиш йўналишида тахсил олувчи ўқувчилар учун замон талабига жавоб берадиган ўқув дастури ишлаб чиқилди. Жанубий Кореянинг етакчи АТ академияларидан бири — Hancom Academy билан компьютер графикаси ва дизайн соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш режалаштирилган.

Касбий таълим агентлиги кўмағида Хитойнинг бир неча таълим муассасаси билан робототехника ва электроника, сунъий интеллект, рақамли таълим ва электромобилларга хизмат кўрсатиш йўналишларида ҳамкорлик қилиш учун дастлабки қадамлар ташланган.

Ушбу йилларда касбий таълим соҳасида қўйилган институционал пойдевор 2026 йилда янгича мазмун билан давом эттирилади. Жорий йилдан бошлаб ҳар йили камида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борилади. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой каби давлатларнинг илгор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 га етказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 2026 йилда 7 та вилоятда, 2027 йилда эса қолган ҳудудларда Илгор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шаҳарчаси” фаолияти йўлга қўйилади. Бунда Илгор касбий маҳорат техникумлари ҳудуддаги бошқа техникумлар учун методик ва амалиёт базаси сифатида фаолият юритиш, “Касблар шаҳарчаси” — мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, “яшил” энергетика каби соҳалардаги замонавий касбларга йўналтиришга хизмат қилиши назарда тутилмоқда. Бу техникум битирувчининг муайян касбини эгаллаш билан бирга уш халқаро стандартлар даражасида амалга ошириш салоҳиятига эга мутахассис сифатида тайёрланишига замин яратяди.

Нўқтаи назар

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИДА ПРОФИЛАКТИКАГА АСОСЛАНГАН ТАЛАБЛАР

Меҳнат инсон ҳаётининг асосий мазмуни ва жамиятни ҳаракатлантирувчи кучдир. Ҳалол ва фидокорона меҳнат туғайли тириклик ва ҳаёт давомилигини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Шу боис, инсон меҳнатини ва ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади ҳамда тараққиёт йўлини кўзлаган жамиятлар бу борадаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинлигини, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишсизликни камайтириш ва бандликни таъминлаш борасида мустаҳкам қонуний асослар яратилди. Янгиланган Конституциямиз, янги таҳриридаги Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган бу йўналишдаги муҳим қадамлар бўлди. Бу жаҳадаги ишларни яқин ривожлантириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг 25 та ҳужжати мамлакатимиз томонидан ратификация қилинди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди.

Бандлик асосида ишламоқда. Кўпбанд фуқароларимиз, айниқса, хотин-қизлар масофадан туриб меҳнат қилапти. Имконият ва шароит яратиб берилгани туғайли бугунги кунда 6 миллионга яқин аҳоли ўзини ўзи банд қилиб, рўзгор тебратмоқда. Бундан ташқари, маҳаллалар дайвер соҳаларга ихтисослаштирилиши ҳисобидан 1,5 миллион оила ўз хонадонидида ишлаб, даромад олмақда. Бугунги кунда янги йўналишлар иқтисодий тараққиётимизнинг бир қисмига, уларада фаолият юритаётган одамлар эса меҳнат муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъектига айланмоқда. Аммо шиддатли ҳаёт тўқлини тобора илгариланган бугунги даврда барча соҳалар қаторида меҳнат муҳофазаси борасида талайгина муаммолар ечимини кутаётгани сир эмас. Хусусан, ишчи ва ходимлар учун хавфсиз ва замонавий меҳнат шароитларини яратиш ана шундай устувор вазифалардан биридир. Афсуски, соҳа ва тармоқларда бу масалаларга етарлича эътибор берилгачи деб бўлмайдими. Шу боис, иш жараёнида бахтсиз ҳодисалар қайд этиляпти.

Мисол учун, Давлат меҳнат инспекциясининг 2025 йилги ҳисоботида кўра, юртимизда меҳнат фаолияти билан боғлиқ 849 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Шулардан 216 та ҳодиса ўлим билан, 583 таси оғир оқибатли, 50 таси гуруҳий ҳодиса сифатида қайд этилган. Ушбу ҳолатлар ортдан 432 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иши қўзғатилган, шунингдек, 241 шахсга маъмурий жарима қўлланган.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, одамларимизнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазаси ҳамда ишчи-ҳодимларнинг ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифадир. Шу мақсадда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2030 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад инсон кадрини ошириш, барча фуқаролар учун адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишдир.

Бундан ташқари, рақамлаштириш, сунъий интеллект ва “яшил иқтисодиёт” жадал ривожланаётган шароитда меҳнат муносабатлари ҳам шунга мос йўлга қўйилиши керак. Ишлаб чиқалаётган “Муносиб меҳнат” дастури бу борада жадал ўсиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий адолат билан ўқитишларидан стратегик “йўл харитаси” бўлади. Жорий йилдаги давлат дастурида ҳам бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, соҳа ва тармоқларни технологик эътибор берилгачи бўлиши, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, маҳаллаларда саноат



ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, касбларни мустақил эгаллаш ва сертификат бериш тизими ислох этилади. Шу мақсадда “Касбий ривожланиш платформаси” ишга туширилиб, аҳолига мустақил равишда 100 дан зиёд касб бўйича кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш, мустақил таълим юнчалари бўйича сертификат бериш тизими жорий этилади. Бир сўз билан айтганда, “Ҳалол меҳнат — хотиржам

ҳаёт ва фаровон жамият гарови” шиори асосида бу борадаги ишлар умуммиллий ҳарақат айлантирилади. Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида оид айрим нормаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида кенг қамровли ишлар қилиняпти. Мазкур ҳужжатда ташиқлотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш, иш жараёнида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳодимларнинг ҳаёти ва

соғлигини асраш борасида янгича тартиб-тамоиллар ўз аксини топган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириги ташаббуси асосида тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур йўналишда белгиланган янги талабларни амалда жорий этиш юзасидан бир қатор тадбирлар ташкил этиляпти. Мутахассисларнинг таъкиллашига, меҳнат хавфсизлиги бўйича жорий этилаётган янги талаблар жарима эмас, профилактикага асослангани билан аҳамиятлидир.

— Сўнгги икки йил давомида меҳнат муҳофазаси соҳасида ҳукуматнинг унча қарори ва мақсуд дастур қабул қилиниб, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги 100 дан ортиқ қандага ўзгартиришлар киритилди, 2 та миллий стандарт тасдиқланди, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириги бошқарма бошлиғи Абдувоҳид Шаропов. — Бу жараёнда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва меҳнат муҳофазаси бўйича иш бевуви билан масъулиятини ошириш, ишчи-ҳодимлар билими ва таърибасини бойитишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Бу ишлардан мақсад ҳар бир инсон ўз иш жойида самарали меҳнат қилиб, ҳаловатли ҳаёт кечирishi учун зарур шароитларни яратишдир.

Иш бевуви билан масъулиятини ва ҳодимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида иш жойларида хавфсизликни бошқаришнинг замонавий тизимлари жорий этилади. Ҳодимларни ўқитиш ва малакасини оширишнинг рақамли усуллари йўлга қўйилади.

Меҳнат муносабатлари соҳасидаги ана шундай янги миллий талаблар шунчаки қозғалди қондалар эмас, балки инсон ҳаётини асрашнинг амалий механизмидир. Уларнинг ҳаётга тўла таъбиқ этилиши адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва инсон кадрини юксалтиришда муҳим қадам бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

